

The background features a complex, abstract design. It includes several overlapping circular patterns, some resembling gears or orbits. A prominent feature is a cluster of blue squares arranged in a semi-circular pattern at the bottom center. Above this, there are orange and yellow circular elements, possibly representing data points or molecular structures. The overall aesthetic is technical and scientific, with a color palette dominated by blues, greys, and oranges.

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842 VOLUME 2, SPECIAL ISSUE 1

MAY 2021

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 2, SPECIAL ISSUE 1

MAY 2021

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME #2 SPECIAL ISSUE #1

Executive Secretary

Tusmatova Nozima Inomovna

Editorial board

Z.Yaxshieva

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Chemical Sciences

S.Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S.Otakulov

Jizzakh Polytechnic Institute, Doctor of Physical and Mathematical Sciences

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh.Akramova

Military-technical Institute of the National Guard, Doctor of Pedagogical Sciences

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

B.Sultonov

Tashkent Pharmaceutical Institute, Doctor of Technical Sciences

A.Sidiqov

Tashkent Institute of Chemical Technology, Doctor of Chemical Sciences

B.Kucharov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

I.Eshmetov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

M.Abdullaev

Andijan State University, Doctor of Historical Sciences

Z.Tojjeva

National University of Uzbekistan, Doctor of Geographical Sciences

N.Jiyanova

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

X.Qobulov

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

A.Nabiev

Tashkent Institute of Chemical Technology, PhD in Technical Sciences

A.Turgunbaeva

Namangan State University, PhD in Psychological Sciences

B.Xaynazarov

National University of Uzbekistan, PhD in Historical Sciences

M.Voxidova

Tashkent State Institute of Oriental Studies, PhD in Economics

A.Rahmonov

Republican Scientific-Practical Center, PhD in Pedagogical Sciences

Масъул котиб

Тусматова Нозима Иномовна

Тахририят

З.Яхшиева

Жиззах давлат педагогика институти, кимё фанлари доктори

S.Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

С.Отақулов

Жиззах политехника институти, физика-математика фанлари доктори

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Ш.Акрамова

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти, педагогика фанлари доктори

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

Б.Султонов

Тошкент фармацевтика институти, техника фанлари доктори

A.Sidiqov

Тошкент кимё-технология институти, кимё фанлари доктори

B.Kucharov

Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, техника фанлари доктори

I.Eshmetov

Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, техника фанлари доктори

M.Abdullaev

Андижон давлат университети, тарих фанлари доктори

Z.Tojjeva

Ўзбекистон миллий университети, География фанлари доктори

N.Jiyanova

Тошкент молия институти, иқтисод фанлари номзоди

X.Qobulov

Тошкент молия институти, иқтисод фанлари номзоди

A.Nabiev

Тошкент кимё технология институти, техника фанлари PhD

A.Turgunbaeva

Наманган давлат университети, психология фанлари PhD

B.Xaynazarov

Ўзбекистон миллий университети, тарих фанлари PhD

M.Voxidova

Тошкент давлат шарқшунослик институти, иқтисодиёт фанлари PhD

A.Rahmonov

Республика илмий-амалий марказ, педагогика фанлари PhD

TABLE OF CONTENTS / МУНДАРИЖА

1.	Azamat Ruzvonovich Raxmonov O'quvchilarni ta'limda ijtimoiy pedagogik moslashuvchanligida ota-onalarning rolini oshirish	6
2.	А.Қ.Лутфуллаев Ёшлар тарбияси ва мусика санъати	16
3.	Ш.Абдужалилова Умумий ўрта таълим ўқувчиларини мафкуравий тарбиялаш омиллари	24
4.	Sardor Mardanaqulovich Abduxamidov, Jasurbek Muradovich Narimanov Ta'lim menejmentining funksiyalari va bugungi kundagi o'rni	31
5.	М.А.Асадullaева Inklyuziv ta'limda musiqa terapiya	40
6.	А.А.Бурханов, М.М.Абдужалилова Лексические особенности просторечия русского языка	49
7.	Жамшид Файзуллаевич Равшанов Методы формирования ключевых компетенций на уроках истории	59
8.	Fotima Uralovna Jumanova Янги Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар	67
9.	М.Ш.Исламова Касбий дунёкарашни шакллантириш асослари	78
10.	О.А.Йўлдошев Бошлангич синфларда техноген цивилизациядан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари	88
11.	Ж.С.Қаюмов Шашмақомга бахшида умр	98
12.	Ikrom Davronovich Qodirov Tarix fanini o'qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish	106
13.	Мафтуна Қурбонова Мустақил ишларни ташкил этиш асосида ўқувчиларнинг ўқиш ва тушуниш даражасини шакллантириш методикаси	114
14.	Sh.R.Mahkamova Insoniyat evolyutsiyasida musiqa san'atining tutgan o'rni	125
15.	С.Р.Мирзаева Талаба валеологик онгининг психологик ҳимоя механизмлари билан детерминантлашуви	133
16.	Г.Мирзарахимова Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг ўрни	144
17.	Малоҳат Саиджабборовна Мухитдинова Мусика таълимида компьютер дастурларни қўллаш	152
18.	Насиба Холбоевна Элмурзаева, Аширбек Мустафаевич Суяров Самообразование личности в процессе профессиональной подготовки студента	161
19.	Н.Ж.Эшнаев Суицид ва унинг ижтимоий-психологик омиллари	172
20.	Tolib Turgunovich Nazarov, Aziza Mirzabekovna Sayupova Maktabgacha yoshdagi bolalarni kreativ fikrlashga o'rgatishning psixologik aspektlari	180
21.	Одил Файбуллаевич Юнусов Бўлажак мусика ўқитувчиларнинг касбий компитентлигини ривожлантиришда вокал фанининг ахамияти	189

22.	Р.Мусурманов, М.Шерматов Таълим муассасаси ва ота-она ҳамжихатлиги ўқув интизомининг омили сифатида	197
23.	М.Қ.Рахманова, Баргида Бахадировна Миржалилова Касб таълими талабаларининг педагогик интеграция асосида ижтимоий мослаштириш омиллари	206
24.	С.Р.Абдалова Таълим сифатини оширишда ўқитиш технологияларининг ўрни ва роли	218
25.	А.М.Суяров, К.М.Хуррамов Молия тизими ва молиявий сиёсатда пул кредит тизими, банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли	229
26.	М.ДЖ.Тошов Развитие здоровьесберегающей компетенции специалистов профессионального образования	238
27.	Б.Н.Тўракулов, Р.М.Бахтиёров Мутахассисларни тайёрлашда касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари	245
28.	Жаббор Эшбекович Усаров, Акбар Номозович Расулов Иқтисодий билимларни шакллантириш давр талаби	255
29.	Ж.Э.Усаров, С.Ҳайдарова Фанни компетенциявий ёндошув асосида ўқитишнинг ўқувчи ёш психологик хусусиятларига боғлиқ жиҳатлари	266
30.	Ж.Э.Усаров, Г.Н.Шарипова, Ш.С.Абдусаматова Таълим самарадорлиги ва унинг амалиётдаги аҳамиятида талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантириш компетентлигининг ўрни	276
31.	Ж.Э.Усаров, Л.Г.Бобоходжаева, Н.Ю.Осупова Аралаш таълим шакли - педагогик таълим кластерининг замонавий ёндашуви сифатида	286
32.	Akram Yo'ldoshevich O'tayev Talabalar siyosiy madaniyatini takomillantirish omillari	296
33.	M.M.Xalilova, G.A.Isoqova Musiqqa madaniyati darslarida musiqa savodi faoliyati	306
34.	Фарида Эгамбердиева, Шахзода Эгамбердиева Инфографика - вербал медиаматнни креоллашган медиаматнга айлантирувчи восита	313
35.	G.O.Ernazarova Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etish xususiyatlari	322

Янги Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар

Fotima Uralovna Jumanova
zumanovafatima@gmail.com

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

Аннотация: Мамлакатимизда сўнги йилларда туб ислохотлар амалга оширилиб, давлат бошқарувини тубдан янгилаш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш борасида кенг кўламли янгиланиш ва ташаббуслар бошланди. Уларни ҳаётга тўлиқ жорий этиш ижтимоий тараққиёт масъулиятини ўз зиммасига оладиган ватанпарвар, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли ва истикболли, малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга жуда катта эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу эҳтиёж, биринчи навбатда, жамиятнинг таълим соҳасида туб ислохотлар бошланишига туртки бўлди.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, педагогика, педагогик фаолият, эҳтиёж, модернизация, умумий ўрта таълим, мактабгача таълим, инновация, технология.

Reforms in the education system of the new Uzbekistan

Fotima Uralovna Jumanova
zumanovafatima@gmail.com

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: In recent years, radical reforms have been carried out in our country, a wide range of updates and initiatives have been launched to radically update public administration, modernize the social sphere and sectors of the economy. Their full implementation has created a huge need for highly qualified and competitive professional personnel, able to take responsibility for social development, patriotic, capable of independent decision-making, promising and promising. This need was, first of all, the impetus for the beginning of radical reforms in the educational sphere of society.

Keywords: education, upbringing, pedagogy, pedagogical activity, need, modernization, general secondary education, preschool education, innovation, technology.

Мамлакатимизда сўнги йилларда туб ислохотлар амалга оширилиб, давлат бошқарувини тубдан янгилаш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш борасида кенг кўламли янгиланиш ва ташаббуслар бошланди. Уларни ҳаётга тўлиқ жорий этиш ижтимоий тараққиёт масъулиятини ўз зиммасига оладиган ватанпарвар, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли ва истиқболли, малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга жуда катта эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу эҳтиёж, биринчи навбатда, жамиятнинг таълим соҳасида туб ислохотлар бошланишига туртки бўлди.

Маълумки, педагогика фани ва амалиёти ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги педагогиканинг энг умумий муаммоларидан биридир. Бу муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилиши педагогика фанининг ривожланиши, педагогик инновацияларнинг сифати ва маърифий соҳани модернизациялаш борасидаги ютуқларга, умуман олганда, яхлит маърифий тизимнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Гап назария ва амалиёт бирлиги ҳақида кетмоқдаки, педагогика фани – *педагогик билимлар тизими*, педагогик амалиёт – *педагогик фаолият* сифатида талқин этилади. Педагогик фаолиятнинг бир неча турлари фарқланади: 1) амалий педагогик фаолият; 2) маъмурий педагогик фаолият; 3) илмий педагогик фаолият; 4) педагогика фани натижаларини амалиётга ўтказиш фаолияти.

Назария ва амалиёт бирлигида *педагогика фанининг ҳолати* икки тарафламалик (иккиланиш) хусусиятига эга: бир томондан, педагогик ва илмий фаолият педагогиканинг тенг ҳуқуқли, ёнма-ён жойлашган тури сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан – илмий билиш педагогик фаолият тизимига киритилади ва унинг амалий, маъмурий каби турларидан бири сифатида тан олинади. Демак, амалий ва илмий педагогик фаолият бирлиги объектив мавжуддир.

Шу нуқтаи назардан, илмий педагогик фаолиятнинг объекти – бу амалий педагогик фаолият тизими сифатида талқин этиладиган *маърифат* (таълим ва тарбия орқали баркамол шахсни шакллантириш) соҳаси ҳисобланади. Амалий педагогик фаолиятнинг мақсади ва натижаси – ўқимишли ва тарбияланган шахсни шакллантириш. Педагогика фанининг натижаси эса *педагогик билимлар*, яъни педагогик фаолият қонунлари, тамойиллари ва қоидалари ҳисобланади. Демак, *педагогика назарияси* – бу аслида педагогик амалиёт назарияси, аниқроғи, амалий педагогик фаолият назариясидир.

Жамиятда амалий педагогик фаолият тизимининг ривожланиш, ўзгариш суръатига сабаб бўладиган омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, ундаги ҳаётий шароитлар ва мафкуравий мўлжалларнинг ўзгариши;

2) маърифий жараённинг мақсади ва натижаси ўртасидаги тафовутлар (таълим-тарбия мақсадлари ўзгариб, педагогик тизим эскича қолганида, яъни фаолият натижалари мақсадларга мос келмаслиги туфайли пайдо бўлади);

3) ички омил – педагогика назарияси, аниқроғи, маърифий соҳасидаги назарий фаолият ривожининг мантиги.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида юқорида келтирилган учта омил таъсирида амалий педагогик фаолият мазмуни, шу асосда педагогика назарияси ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Хусусан, таълим ва тарбия *мақсадлари ўзгарди, маърифий (таълим)технологиялар* вужудга келди. Бирок, охириги ўн йилликларда, бошқа соҳалар каби маърифий соҳада ҳам вужудга келган турли-туман муаммолар мажмуи педагогиканинг илдам ривожланишига тўскинлик қилиб, унинг инкирозли ҳолатни бошдан кечиришига олиб келди.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда туб ислохотлар амалга оширилиб, давлат бошқарувини тубдан янгилаш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш борасида кенг қўламли янгиланиш ва ташаббуслар бошланди. Уларни ҳаётга тўлиқ жорий этиш ижтимоий тараққиёт масъулиятини ўз зиммасига оладиган ватанпарвар, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли ва истиқболли, малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга жуда катта эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу эҳтиёж, биринчи навбатда, жамиятнинг маърифий соҳасида туб ислохотлар бошланишига туртки бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжатга айланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ таълим соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимини халқ билан мулоқот ва илгор хорижий тажрибалар асосида ислоҳ қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3305-сон қарори асосида мамлакатда илк бор Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Мактабгача таълим вазирлигининг *асосий вазифалари* ва *фаолияти йўналишлари* этиб қуйидагилар белгиланди:

1) мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлокий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш;

3) республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига боскичма-боскич камраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

4) замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усуллари амалиётга, шу жумладан, нодавлат секторида жорий этиш;

5) миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоклар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

6) замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

7) мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

8) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, қўнғилочар ва билим берувчи машгулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

9) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида*”ги ПҚ–3304-сон қарори асосида қуйидагилар Халқ таълими вазирлигининг *асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари* этиб белгиланди:

1) халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни хар томонлама ривожлантириш, ўқувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш;

2) ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаш орқали 11 йиллик ўрта таълимни жорий этиш бўйича ташкилий-методик тадбирлар тизимини амалга ошириш;

3) умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касб-хунар ўргатиш ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига ҳамда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ халқ таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўқувчиларга касб-хунар ўргатишда методик раҳбарлик қилиш;

4) умумий ўрта таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва меҳнат таълимини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

5) ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини, ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юкмасини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

6) мазмун ва сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб берадиган, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янгиланган ўқув режа ва дастурларга мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлоди яратилиши ва нашр этилишини ташкил қилиш;

7) меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш;

8) ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволанишга ва соғломлаштиришга муҳтож бўлган болаларнинг (шу жумладан, инклюзив) ижтимоий кафолатларини таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун мослашув муҳитини яратиш, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) фаолиятини мувофиқлаштириш;

9) халқ таълими муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бўлимлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали ўқувчиларни умуминсоний кадриятлар, юксак маънавият, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик гояларини янада чуқур

сингдириш, “оммавий маданият” кўринишидаги ёт гоёларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

10) умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари томонидан давлат таълим стандартлари ва талаблари бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш;

11) таълим муассасаларида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳамда бюджет интизомига риоя этишни таъминлаш;

12) таълим муассасаларида бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш ишларини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонида асосан 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, хусусан, ихтисослаштирилган мактаблар, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ва академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда, шунингдек 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари хисобидан ихтиёрийлик асосида тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилиши белгилаб берилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан такроран ўтмаган ёки асосий иш жойи бўйича белгиланган муддатда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтмаган тақдирда, ушбу ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатидан ҳамда бўш турган педагог лавозимини эгаллаш танлови даврининг тугаган муддатидан қатъи назар, меҳнат шартномаси белгиланган тартибда икки ой мобайнида бекор қилинади. Бунда улар ўз педагогик фаолиятини бошқа таълим муассасаларида (олий таълим муассасаларидан ташқари) давом эттириши ёхуд бошқа ташкилотларда ишлаши ҳамда ўзининг касбий малакасини мустақил равишда ошириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда нафақат маърифий, балки бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилаётган туб ислохотлар, янгиланишлар айнан ўқитувчи шахси, унинг касбий педагогик тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь ЎРҚ-637 сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги ПҚ–3304-сон Қарори. 2017 йил 30 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ–3305-сон Қарори. 2017 йил 30 сентябрь.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 45 б.
6. Р.А.Мавлонова, Н.Х.Рахманкулова, К.О.Матназарова “Педагогика назарияси ва тарихи” фанидан тренг, тест ва назорат машғулоти. Ўқув қўлланма “Ўқитувчи” Т.: 2010 йил.
7. Р.А.Мавлонова, Н.Х.Рахманкулова, К.О.Матназарова, П.Т.Холматов, М.К.Ширинов, “Умумий педагогика” Дарслик. (UZB) - Т.: "Навруз", 2016.
8. USAROV J. E. INKLYUZIV TA'LIMNING NAZARIY VA KONTSEPTUAL MASALALARI //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL JOURNAL. – 2021. – Т. 1. – №. 02. – С. 37-46.
9. Usarov J. E. Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency //Theoretical & Applied Science. – 2017. – Т. 53. – №. 9. – С. 79-82.
10. Usarov J.E. O'quvchilarning malakasini shakllantirish Ta'lim samaradorligini oshirish omili sifatida // Nazariy va amaliy fan. - 2017. - Т. 53. - №. 9. - С. 79-82.
11. Usarov J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2019. – Т. 15. – №. 1. – С. 272-274.
12. Usarov J. E. Competent Approach for Teaching Physics in Secondary and Post-secondary Educational Institutions //Eastern European Scientific Journal. – 2016. – №. 3.
13. Ravshanov J. F. The importance of working with terms and concepts in teaching history. – 2020.
14. Ravshanov J. F. Some methods of working with historical concepts in history lessons //Международная научно-рецензируемая онлайн конференция «Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 439-443.
15. Fayzullayevich R. J. FORMATION OF KEY COMPETENCIES IN HISTORY LESSONS.

16. Равшанов Ж. Ф. НЕКОТОРЫЕ МЕТОДЫ РАБОТЫ С ПОНЯТИЯМИ И ТЕРМИНАМИ НА УРОКАХ ИСТОРИИ //Science and Education. – 2020. – Т. 1. – №. Special Issue 4.

17. Fayzullayevich R. J. IMPORTANCE OF CLASSIFICATION OF HISTORICAL TERMS AND CONCEPTS.

18. Рахмонов А. Р. Инновацион таълим кластери ўқув фаолиятига самарали усул сифатида.« //Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар» халқаро илмий-амалий анжуман. – 2019. – Т. 2. – С. 46.

19. Абдухамидов С. М. и др. РОЛЬ НАРОДНОГО ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ //INTERNATIONAL INNOVATION RESEARCH. – 2017. – С. 374-376.

20. Бурханов А. А. Методика изучения вопросительных предложений." Современный русский язык" для филологов-русистов. – 1993.

21. Umirovich A. O., Abdumajitovna A. S. The Role of Social Intelligence in Personality Maturity //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 4. – С. 3983-3991.

22. Жуманова Ф. У., Жабборова О. М. УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ //Academic Research in Educational Sciences. – 2020. – Т. 1. – №. 4. – С. 238-243.

23. Маҳкамов У., Жуманова Ф., Равшанов Ж. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ //Academic research in educational sciences. – 2020. – №. 3.

24. Исламова М. Ш. The system of methods of forming a professional worldview in students on the basis of chemical knowledge //Образование и воспитание. – 2020. – №. 5. – С. 60-64.

25. Элмурзаева Н. Х. Организационно-педагогические условия профессионального обучения в промышленном колледже учащихся с ограниченными возможностями здоровья //Актуальные проблемы современной науки. – 2012. – №. 5. – С. 84-86.

26. Ashurbek S. FINANCIAL SYSTEM AND FINANCIAL POLICY.

27. Yuldoshev O. TECHNOLOGY-CENTERED CIVILIZATION: GENESIS, DEVELOPMENT PROSPECTS.

28. Эшнаев Н. Ж. Маънавий-ахлоқий муаммоларни илмий тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1.

29. Абдалова С. Р. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК МАҚСАД ВА

ВАЗИФАЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МОҲИЯТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2.

30. Лутфуллаев А. К. ИЗ ИСТОРИИ ИСПОЛНИТЕЛЬСТВА НА УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ИНСТРУМЕНТАХ //Вестник Восточно-Сибирского государственного института культуры. – 2017. – №. 4. – С. 127-135.

31. Gafurdjanovna B. L. MIXED EDUCATION AS A MODERN PRODUCT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 8. – С. 5-5.

32. Primov R. T., Primov R. T., ugli Kayumov J. S. MUSIQA O'QITUVCHISI VA UNING KASBIY MANORATI.

33. Тошов М. Ж. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-2. – С. 510-515.

References

1. Law of the Republic of Uzbekistan on Education. Law No. ZRU-637 of September 23, 2020.

2. On the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947. February 7, 2017.

3. Resolution No. PP-3304 on improving the activities of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan. September 30, 2017.

4. Resolution of the Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan No. PP-3305 on the organization of activities. September 30, 2017.

5. Mirziyoev Sh.M. The rule of law and the protection of human interests are the key to the development of the country and the well-being of the people. - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - 45 p.

6. RA Mavlonova, NH Rakhmankulova, KO Matnazarova Training, testing and control on the subject "Theory and History of Pedagogy". Textbook "Teacher" T.: 2010.

7. R.A.Mavlonova, N.H.Rakhmankulova, K.O.Matnazarova, P.T.Kholmatov, M.K.Shirinov, "General pedagogy" Textbook. (UZB) - T.: "Navruz", 2016.

8. USAROV J. E. THEORETICAL AND CONCEPTUAL ISSUES OF INCLUSIVE EDUCATION // INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. - 2021. - Т. 1. - №. 02. - С. 37-46.

9. Usarov J. E. Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency // Theoretical & Applied Science. - 2017. - T. 53. - №. 9. - S. 79-82.
10. Usarov J.E. Formation of students' skills as a factor in increasing the effectiveness of education // Theoretical and practical science. - 2017. - T. 53. - №. 9. - P. 79-82.
11. Usarov J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies // International Journal of Progressive Sciences and Technologies. - 2019. - T. 15. - №. 1. - C. 272-274.
12. Usarov J. E. Competent Approach for Teaching Physics in Secondary and Post-secondary Educational Institutions // Eastern European Scientific Journal. - 2016. - №. 3.
13. Ravshanov J. F. The importance of working with terms and concepts in teaching history. - 2020.
14. Ravshanov J. F. Some methods of working with historical concepts in history lessons // International scientific-peer-reviewed online conference "Contemporary Psychology and Pedagogy: Problems, Analysis and Results. - 2020. - T. 1. - №. 2. - S. 439-443.
15. Fayzullayevich R. J. FORMATION OF KEY COMPETENCIES IN HISTORY LESSONS.
16. Ravshanov Zh. F. SOME METHODS OF WORK WITH CONCEPTS AND TERMS IN HISTORY LESSONS // Science and Education. - 2020. - T. 1. - No. Special Issue 4.
17. Fayzullayevich R. J. IMPORTANCE OF CLASSIFICATION OF HISTORICAL TERMS AND CONCEPTS.
18. Raxmonov A. R. Innovative education cluster as an effective method of educational activity. "/// International scientific-practical conference" // Continuing education in sustainable development: problems and solutions ". - 2019. - T. 2. - S. 46.
19. Abdukhamidov SM et al. THE ROLE OF FOLK APPLIED ARTS IN EDUCATION OF YOUTH // INTERNATIONAL INNOVATION RESEARCH. - 2017. -- S. 374-376.
20. Burkhanov AA Methods of studying interrogative sentences: "Modern Russian language" for philologists-Russianists. - 1993.
21. Umirovich A. O., Abdumajitovna A. S. The Role of Social Intelligence in Personality Maturity // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. - 2020. - T. 24. - №. 4. - S. 3983-3991.

22. Jumanova F. U., Jabborova O. M. PRIMARY EDUCATION IN THE THIRD RENAISSANCE // Academic Research in Educational Sciences. - 2020. - T. 1. - №. 4. - S. 238-243.

23. Mahkamov U., Jumanova F., Ravshanov J. ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF FUTURE TEACHERS FOR EDUCATIONAL WORK // Academic research in educational sciences. - 2020. - №. 3.

24. Islamova M. Sh. The system of methods of forming a professional worldview in students on the basis of chemical knowledge // Образование и воспитание. - 2020. - №. 5. - S. 60-64.

25. Elmurzaeva N. Kh. Organizational and pedagogical conditions of vocational training in an industrial college for students with disabilities // Actual problems of modern science. - 2012. - No. 5. - S. 84-86.

26. Ashurbek S. FINANCIAL SYSTEM AND FINANCIAL POLICY.

27. Yuldoshev O. TECHNOLOGY-CENTERED CIVILIZATION: GENESIS, DEVELOPMENT PROSPECTS.

28. Eshnaev N. J. Specific aspects of scientific research of spiritual and moral problems // Academic research in educational sciences. - 2021. - T. 2. - №. Special Issue 1.

29. Abdalova S. R. THE IMPORTANCE OF DEFINING PEDAGOGICAL GOALS AND OBJECTIVES IN THE DEVELOPMENT OF INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS // Academic research in educational sciences. - 2021. - T. 2. - №. 2.

30. Lutfullaev AK FROM THE HISTORY OF PERFORMANCE ON UZBEK FOLK INSTRUMENTS // Bulletin of the East Siberian State Institute of Culture. - 2017. - No. 4. - S. 127-135.

31. Gafurdjanovna B. L. MIXED EDUCATION AS A MODERN PRODUCT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE // International Engineering Journal For Research & Development. - 2020. - T. 5. - №. 8. - S. 5-5.

32. Primov R. T., Primov R. T., ugli Kayumov J. S. MUSIC TEACHER AND HIS PROFESSIONAL SKILLS.

33. Toshov M. J. SPECIFIC FEATURES OF MONITORING OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL EDUCATION IN PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS // Economics and Society. - 2021. - №. 1-2. - S. 510-515.